

*Мұғытабар ТОЖИБОЕВА*

**ОГОХ БҮЛДАЙЛИК!**

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ-ДЕМОКРАТИК  
ПАРТИЯСИ МАРГИЛОН ШАҲАР «ЗУҲРО»  
МАҲАЛЛАСИ ҲУДУДИЙ БОШЛАНГИЧ  
ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ҚОШИДАГИ

«Ў Т Й О Р А К Л А Р»  
КЛУБИ  
ОГОҲ ЭТАДИ, ОГОҲ ЭТАДИ,  
О Г О Ҳ Э Т А Д И...

«Биз жамиятимизда учрайдиган  
ҳар қандай иллатга қарши кураша-  
миз — БИЗ ОГОҲМИЗ».  
«ЎТЮРАКЛАР» КЛУБИ ШИОРИЙ.

Ўзбекистон Ёзувчилар ўюнмаси  
Адабиёт жамғармаси нашриёти

ТОШКЕНТ — 2001



Маҳалла нуфузини күтариш нафа-  
қат иқтисодий, нафақат ижтимоий,  
балки бу — сиёсий, тарбиявий, ул-  
кан маънавий масаладир.

И. ҚАРИМОВ.

## ҚАДРДОН МАҲАЛЛАДОШ!

Юртимиз осмони узра Мустақиллик шабодаси әсиб, узоқ йиллик мустабид тузум занжирлари бир-бир узилди. Қўҳна тарих зарварақларига зарҳал ҳарфлар билан битилган 10 йилда қалбимизда улуғворлик, мағрурлик ҳисси юксалиб, Мустақил Ўзбекистонимизни жаҳон ҳамжамияти нафақат таниди, балки ЎЗБЕКИСТОН дея тан олди. Мустақиллик ҳар бир нарсага—юртимизнинг гиёҳидан тортиб тоғларигача бари-барисига менини деб қарашни ўргатди. Чиндан ҳам барча бойликларимиз ўзимизники бўлди. Бозор иқтисодиёти шароити ҳар бир одамдан фаолликни талаб қиласди. Эндиликда муроқлик билан, куним ўтса бўлди, деб турмуш кечириш мумкин эмас.

Халқимиздаги меҳр-оқибат, бир-бирини асрар—ўзбекчилик фазилати миллий истиқболимиз даврида янада муҳимроқ маъно касб этди. Чунки жисплашган, бир ёқадан бош чиқарган, бир мақсад йўлида фидойилик қилишга тайёр бўлган халқгина ўз озодлигини асрар қолади. Бизнинг бугунги ҳар бир ишнимиз эртанги кун ёруғлиги учун қўйилган муҳим қадам эканлигини унутмайлик. Ватанимиз тараққиёти учун тишиб-тиңчимай меҳнат қилсан, вақтини беҳуда ўтказмасак, «Мен ўзи шу Ватанга керакманми?», деб савол берсан, ва жавоби кархисида довдиваб қолмасак, билингки, қунимиз шунчаки ўтмаяти. ВАТАН эса ОСТОНАдан бошланади.

## МАҲАЛЛА ОҚСОҚОЛЛАРИ — ОТАХОНЛАР!

Мустабид тузум қурбонлари — озодлик ва эрк қуйчилари Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат каби минглаб маърифатпарвар инсонлар юрт озодлиги йўлида ўлимга тик боргандар. Қанчадан-қанча маънавияти юксак ишбилармону-тадбиркорлар қатагон қилиниб, Узоқ Сибир ўлкаларидан умрబодлик маскан топдилар. Ўзбек миллатининг миллат бўлиб юксалиб кетишидан чўчиб ҳали «пахта иши», ҳали «ўзбектар иши» деган тамғаларни осиб минглаб жабрдийлаларни ёстигини куритган тузумни кирдикорларини биздан кўра сиз яхшироқ биласиз. Эркинлик, озодлик нафаси юртимиз узра кеза бошлагач ғаламислар тинчи бузилди. Бу ғаламисларни жинояткорона хатти-ҳаракатларини кўриб «бузоқни югуртани сомонхонагача» деган ҳалқ мақолини эслайсан кипи. Лемак бизни парвозимиз кимларнидир хавотирга қўйибдими, келажагимиз порлоқ экан, Қари билганни пари билмас дейдилар.

Мустақиллик қанчалар даражада азизу-мукаррам пеъмат әканлигини ёшлар ўртасида кўпроқ тушунтирангизлар, адашган бандаларни кўзи очила бошласа ажабмас.

## МАҲАЛЛА ФАОЛЛАРИ!

Ўзбекистон Республикасида ҳуқуқий Демократик давлат қуриш жараёни шаклланмоқда. Бир неча минг кишилик маҳалла аҳлининг турмуши, ҳаёти сизларга ишониб тошириб қўйилди. Маҳаллий ҳокимият органлари ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари олдига қўйилган вазифа масъулияти ғоят мураккабдир. Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий тамойиллари демократизм, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ечишда мустақиллик ҳамда жамоатчилик асосидаги ўзаро ёрдамдан иборатдир.

Юртбопимиз Республикада ижтимоий сиёсий барқарорликни мустаҳкамлаш ҳақида гапира туриб «Ички тинчлигимизни сақлашнинг асосий шарти адолатни сақлашдир» деганидилар. Бугун қайсиdir бир ёш сигарет пули топиш илинжида ўз яқин дўстига наркотик модда сотар экан, бой-бадавлат яшашётган кўши хонадонга нафрат билан тикилар экан, аёл киши қўрқмай, ўғриликка, фирибгарликка қўйл урад экан. «Манавиллар айтди, агар мен улар айтган ишни қилсам биз бошқача шар эканмиз» деган заҳарли хаёл бир зумгина қайсиdir бўғукаро онгини банд қилар экан бунинг асосий айбдори сиз ва бизмиз.

Тўғри бутун бир маҳаллани бошқариш осон эмас. Чунки бунда турфа хил характерли, турлича тарбия тонган инсонлар истиқомат қилишади. Шунинг учун ҳам маҳалладаги ҳар бир хоналон, ҳар бир инсон сизнинг назоратингизда бўлмоги даркор. Ҳар бир уй каттасининг, маҳалла фуқаролар йигини раисининг ва участка нозирининг қўлида уй дафтари бўлиши, унда ҳар бир хоналондаги ҳолат акс этиши шарт. (1, 2, 3 шакл). Айникса, кўп каватли уйларда назоратни кескин қуҷайтиromoқ даркор. Бу ишларни намунали тарзда йўлга қўйиш учун эса маҳалла ҳудудида фаолият кўрсатा�ётган ташкилотлар, корхоналар, ўқув муассасалари, маҳаллада истиқомат килгувчи виёлилар, ҳалқ ноиблари ҳамкорлигини таъминлашмоқ керак. Фақат бу ҳамкорлик қоғозда, оғизда эмас, амалда

бўлиши шарт. Агар мана шу ҳамкорлик яхши йўлга қўйилса маҳалла «энг ибратли, энг намунали» маҳаллагага айланishi муқаррар.

## ХУРМАТЛИ ОТА-ОНАЛАР!

Дилбандингизни нафақат менинг фарзандим деб, балки Ўзбекистоннинг келажаги деб қаранг. Ана ўша фарзандингиз Ватан тараққиёти йўлида қандай хизматлар қилмоқда, режалари қандай, сиз хабардормисиз? Бугун унинг кўзларидан пайдо бўлган сиз учун нотаниш бўлган учқунни сабабини англадингизми? Мамлакатимиз ташқарисидаги тажовузкор ақидапараст кучлар, ислом дини халқимиз учун муқаддас қадрият эканлигидан фойдаланиб, Ўзбекистонни демократик, маърифий тараққиёт йўлидан оғдиришга интилаётган, турли баҳоналар билан Ўзбекистонга ўз сиёсатини, таъсирини ўтказиш ва ҳукмроилик қилишга уринайтган кучлар мавжудлиги сир эмас. Ҳар бир қарич тупроги олтинга тенг Ота-юртимизни булғамоқчи бўлган Ватан хоинларининг қилган хунрезликлари, юртбошимиз ҳаётига тажовуз қилганликлари, яъни ўша машъум 16 февраль фожеаси ёдимизда. Ундан кейинги Баткент, Сурхондарё воқеалари доимо огоҳ бўлишимииз кераклигини билдиради.

Ҳанузгача ўзи туғилиб ўсан Ватанига хоинлик қилгаи бу юртфуруушларнинг юргурдаклари, малайлари олдига ташланган садақага қувониб юрт тинчлигига рахна солишдан умидларини узганлари йўқ. Дилбандингиз ана шундай Ватан хоинлари қўлида қўйирчоқ бўлиб элу-юрт олдида юзингизни ерга қаратиб қўймаслиги учун янада ҳушёр, янада огоҳ бўлмоғингиз даркор. Чунки терроризм, бузгунчилик, диний экстремизм, наркобизнес қонсираб қурбон талаб қилмоқда. Фарзандингизни бундай жирканч қабоҳат қурбони бўлишидан эса фақаттинга сиз асраб қола оласиз.

## МУҲТАРАМА АЁЛЛАР — ОПА-СИНГИЛЛАР!

Сиз ва биз юртини босиб олган, фуқароларини бошига кулфатлар ёғдирган босқинчи, зўравонларни мадҳ этишдан кўра бошини жаллод қундасига қўйишни афзал билган Нодира-бегим авлодимиз, аёл боши билан жасоратли йигитларга бошлилик қилган, ўз юртини озодлиги йўлида ўлимга тик юзланган, жангужадалларда мардона курашган Қурбонжондоддоҳҳ онамизнинг зурриёдларимиз. Она-Ватан озодлиги ва ободлиги

йўлидаги курашда бизлар биринчилар қаторида турмомиз керак.

Юртимизга ёвуз ниятлар билан бостириб кирган жангарилар билан Сурхондарё вилоятида бўлиб ўтган жангларда мардларча курашиб қурбон бўлган марғилонлик ҳарбий офицер Бобир Ганиевнинг онаси Халқ-Демократик Партиясининг энг фаол аъзоси Мунаввархон Ганиеванинг ватанпарварлигига тан бермаган инсон қолмади ҳисоб. У фарзанди ўлимни мardon қабул қилиб, унга берган оқ сутига рози эканлигини, шундай фарзанднинг онаси эканлигидан фахрланишини билдириди. У «Углим сафдошларини ўққа рўпара қилиб, ўзи пана-пастқамга яширинса, қўрқоқлик қилса нима қилардим. У ўз юртига оёқ босмоқчи бўлган хоинларга қарши курашда қурбон бўлди. Бобиржон энг суюкли фарзандим эди. Бизни оиласиз офицерлар сулоласи. Бобиржоннинг 3 нафар оғаси бари ҳарбий. Оиласизда 4 нафар ўғил набирам бор. Бу дегани яна 4 та Ватан ҳимоячиси вояга етмоқда. Мен фарзандларимни барчасини фақат Ватан ҳимоячиси бўлишини хоҳлайман» деган сўзларини сотқин ва хоинлар, уларга вояга етказган тарбиялаган ота-онаси, маҳалладошлари қандай қабул қилдилар экан. Дарҳақиҷат «бир болага етти маҳалла ота-она» деган нақлдан келиб чиқиб азиз опа-сингиллар, Ватанимиз сарҳадларини, юртимизни тинчлигини сақлаш йўлида жон фидо қилгувчи мард ва жасур ўғлонларимиз сафлари кепгайиши учун жипслашайлик.

## МАҲАЛЛА ЗИЁЛИЛАРИ!

Сиз зиёли инсон сифатида бошқалардан фарқланиб турализ. Иш жойингизда ҳурматингиз етарли. Чунки ўз ишинизга вижданан ёндашасиз. Ўзингизда мужассам бўлган ташкилотчилик қобилиятингизни маҳаллани ободлиги, ижтимоий-спёсий баркамол бўлиши учун сарфладингизми? «Мен маҳаллам учун нима қилдим?» дея ўзингизга савол беринг. Жамият ҳаётида учраб турадиган жуда кўп муаммоларни айни шу маҳаллада касалликка айлантирмай, илдиз отишига, урчиб кетишга йўл қўймай даволаса бўлади. Сиз зиёлисиз, бу дегани— мамлакатимиздаги ижобий ўзгаришларда озми-кўпми сизнинг ҳиссангиз бор, чунки сиз биринчилар сафидан ўрин олгансиз. Сиз яшайдиган маҳалла ҳам барча кўрсаткичлар бўйича биринчи бўлиши учун қўлни-қўлга берайлик. Зиёли инсон сифати-

да маҳалладошларингиз дардига малҳам бўлинг, қалб түғёнларига шерик бўлинг. (4-шакл).

## ПАРТИЯЛАР, НОДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ!

Фуқароларни етакчилик фазилатлари ва ҳуқуқий, сиёсий саводхонлиги, ўз кучига ишонч туйгусини, демократик етакчилик ва ҳуқуқни ҳимоя қилиш кўникмаларини ҳосил қилиш, аҳоли ўртасида жиноятчиликни олдини олиш, маънавият ва маърифат, тарих ва қадриятлар тарғиботи сизнинг зиммангизда. Бир сўз билан айтганда сизнинг бош вазифангиз — энг аввало демократик қадриятларни, кишиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдан иборат. Сиз-чи? Маҳаллалар билан олиб бораётган ишларингиздан қониқаяпсизми? Ёки хайрия ва мурувват муассасасига айланисиб қолдингизми? Агар сиз ўз ишингизни қониқарли даражада ташкил этган бўлсангиз. Нима учун ёшлар бир гуруҳ чиркин ниятли кимсалар етовига кириб қоляпти? Кечагина ҳамфиримиз бўлган ёшлар бутун биздан узоқлашишга ҳаракат қиляпти? Қўлни қўлга берайлик, душманларга ҳарши гоявий қураш очайлик. Ана шу курашнинг йўлбошчилари эса фақатгина сиз бўлмогингиз даркор.

## ҲУРМАТЛИ НОИБЛАР!

Мамлакатимизда амалдаги давлат бошқаруви тизими таркиб топди. Ана шу тизимнинг вазифаси — ҳалқ иродаси ва умидларни рўёбга чиқаришни кўзлаб ишлаши керак. Бу йўлда сиз ҳалқ билан ҳукумат ўртасидаги кўприксиз. Сиз яқиндагина маҳаллаларга ташриф буюриб сайловчиларингизни сайловолди дастурларингиз билан таништирган эдингиз. Ҳалқ эса кўп-кишилик номзодлар орасидан фақатгина сизни номзодингизни танлади. Қунлар, ойлар ўтиб ўз сайловчиларингиз олдида юзингиз шувут бўлиб қолмайдими? Яъни «ҳалқ ноиблари ва раҳбарлар ўз сайловчилари олдида ўз вақтида ҳисобот беришлари ҳам қарз, ҳам фарзdir» дейди юртбушимиз. Сиз-чи сайловчингиз билан учрашдингизми? Маҳаллага кириб бориб у ерда яшовчи аҳолини дардини тинглашга вақт топа олдингизми? Сиз кимнинг депутати эканлигингиизни бир зум бўлсада унуништа ҳақли эмассиз. Чунки сизни ҳалқ

сайлади. Сиз ХАЛҚ НОИБИСИЗ. Бу номни оқлаш учун эса халқ орасида кўпроқ бўлиб, уларга амалий ишингиз билан мадад бўлинг. (5-шакл).

## МАҲАЛЛА ХУДУДИДАГИ ЎҚУВ МУАССАСАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ!

Маҳалладаги ҳар бир йигит-қиз сизнинг тарбиянгиз меваси. Уларнинг ўзига яраша характери, хулқ автори бор. Бу хислатлар ота-опадан ҳам кўра кўпроқ сизга маълум. Чунки сиз киши қалбининг шифокорисиз. Буюк мутафаккир Абдулла Авлонийнинг «ТАРБИЯ БИЗ УЧУН Е ҲАЁТ — Е МАМОТ, Е НАЖОТ — Е ҲАЛОКАТ, Е САОДАТ — Е ФАЛОКАТ МАСАЛАСИДИР» деганида юз карра ҳақ эди. 1993 йилда ишлаб чиқилган «Ўқувчиларни тарбиялашда оила, маҳалла, мактаб ҳамкорлиги» концепцияси ёшларни истиқлол гоёларига садоқатли, маънавий баркамол, ватанпарвар этиб тарбиялашда кенг жамоатчилик фаолиятини мувофиқлаштирувчи муҳим дастуриламал бўлди. Қўлида қаламни қандай тутишин билмайдиган гўдакли тарбиянгизга олиб етук билим-дон инсонлар қаторига қўшиш йўлида тинимсиз изландингиз, Энди уларни асраб қолиш учун оёққа қалқинг. Ахир ўз аскарларини рухлантириш учун от суреб жанг майдонига кирган саркарда ҳам энг аввало аскарларини побуд бўлмаслиги учун қайғурса, иккинчидан жангда ғалабага эришиш кўпроқ саркарданинг маънавий мададига боғлиқ.

## ХОТИН-ҚИЗЛАР КЕНГАШЛАРИ ФАОЛЛАРИ!

Ўзбек аёлининг шон-шуҳрати буюк. Бибихоним, Нодира-бегим, У ҳар қандай синовларга тайёр. Унинг Алномишу, Жалолиддин Мангубердиек жасур ва мард ўғлонлар, Кумушшибиби-ю Зебунисо яиглиғ нағис қалболи, назокатли қизлар, Фарҳоддек тогу-тошни талқон қилгувчи ботирлару, Барчиной-ю Тожихон Шодиева сингари миллат озодлиги, ободлиги йўлида жон фидо қилгувчи жасоратли, мағрур фарзандларни тарбиялаши учун биз Аёлни эъзозлашимиз даркор. Аёлди давлат сиёсатининг етакчи иштироқчиси, тарғиботчисига айлантириш, Ўзбекистоннинг бошқа ривожланган мамлакатлар сингари ҳуқуқий демократик давлат бўлиб юз

күрсатиши учун Аёлинг ролини оширишимиз керак. Чунки, ҳар қандай жамоани, ҳар қайси жамиятни, ҳар қандай мұхитни авваламбор аёлларимиз обод этады. Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фүқаролик жамияти қуриш іўлида қатъий кураш кетаётган экан, азиз аёллар, сиз ва биз моҳир сиёсатчи, ҳуқуқшуное, жамоат арбоби, ишбиларап мопу тадонркор бўлишимиз лозим.

«Бугун аёллар ва ёшлиарнинг жамият ҳаётидаги ўрги ва мавқенини янада юксалтириш ўта муҳим масаладир. Аёллар меҳнатини енгиллаштириш, айниқса уларнинг турмуш шароитини яхшилаш ҳақида жиҳдий ўйлаб кўриш ва керакли тадбирларни амалга ошириш даркор.

Аёллар ўртасида олиб бориладиган ишларнинг шаклларини кенгайтириш, уларнинг илмий ва маданий савиясими кўтариш керак. Шуни унутмайликки, жамиятнинг демократик ўзгариппилар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий маънавий савиясими белгилайди».

Хотин-қизлар Кенгани фаоли сифатида юртбошимизнинг аёлларни эъзозлаш ҳақидағи ушбу фикрини сиз дастуриламал қилиб олдингизми? Ҳа, дея дадил жавоб беришдан аввал бир зум тўхтаинг-да, ўз виждонингиз билан баҳелашинг.

Сиз хотин-қизлар ўртасида тарбиявий ишларни яхши йўлга қўйган бўлсангиз тирик етимлару, қонунбузарлар, Ватан хонилари қўлида қўйирчоқ бўлаётган юртфуруплар қаредан пайдо бўляти? Биргина оиласда потинчлик ҳукмрон экан, билингки Сиз ҳали амалий ишни бошламабсиз. Ҳамои гафлат уйқусида экансиз. Бутунги кун эса гафлат бандаларини кечирмайди.

### МАЪРИФАТПАНОҲ, САХОВАТНЕША ИШБИЛАРМОНУ ТАДБИРКОРЛАР!

Мамлакатимиз ёшларининг баъзи бирлари иқтисодий ўзгаришлар жараёнида ўзлигини йўқотиб қўяётгани бугун бизга сир эмас. Уларни йўлдан адашмаслиги учун эса бор кучу тайратимизни сарфлапсимиз керак. Маърифатли ёшлар эса ҳеч қатон Она-Ватанига қарши тиғ кўтармайди, сотқинлик, хониллик қила олмайди. Аксинча, бундай жирканч кимсаларга қарши дадил чиқади, керак бўлса жонини фидс қичлади. Мамлакатимизда бўлаётган ижобий ўзгаришлар билан ташниб боришлари учун Оммавий Ахборот Воситаларининг

хизмати чексиз. Телевидение, радио, газета ва журнал, китоблар кўпроқ хонадоиларга кириб борса, ёшлар онгига келаётган туйғуси шунчага юксалади.

Маънавият, маърифат, илм-фанга баҳоли-қудрат ҳомийлик қилиб келмоқдасиз. Мана шундай саҳоватингизни Республикаимиз миёсида чоп этилаётган газета ва журнallарга маҳаллалардаги ижтимоий муҳофазага муҳтож оиласларни, иқтидорли ўқуучи ва талабаларни обуна қилинг. Ватанинварлик руҳига йўғрилган энг сара китобларни төртиқ қилини. Сиз бу хизматингиз билан келажагимиз эгалари бўлган ёшлиаримизни маълавий олами бойинига муносиб ҳисса қўнгиган бўласиз. XXI асрга маърифатни ёшлар билан кириб борайлик.

### МАҲАЛЛА ҲУДУДИДАГИ ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАР, КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ!

Сиз раҳбарлик қилаётган бу ташкилот ушибу кунда ривожланиб, туркираб бормоқда. Ташкилотингиз ўрнашган ҳудуд — маҳалла билан муносабатингиз мустаҳкамми? Маҳалла ёшлиарини иш билан таъминлаш, уларни ижтимоий муҳофаза қилиши йўлида сайъи-ҳаракатингиз самарасидан қувонасизми? Маҳалла ёшлиарини иш билан таъминланни учун янги ишчи ўринларини ташкил этиш имкониятларини ишга солиб, кўчаларда беҳуда кезиб юрган ёниларни ишга жойласангиз, шундагина жиноятчилик олами янги ва янги сафдошларга эга бўлмас эди.

### УЧАСТКА НОЗИРИ ВА МАҲАЛЛА ПОСБОНЛАРИ!

Сизнинг зиммангизга ғоятда масъулиятли вазифа юклатилиган. Ана шу вазифани бажарпішда эса сиз энг аввало маҳалладан чиққан зиёли ва билимдон инсонлар ёрдамига таянишингиз керак. Чунки кечагина тартиб-интизомли бўлиб юрган йигит бугун бирданита жиноятчи бўлиб қолмайди. Ёки кечагина ота-опа измидан чиқмаган қиз бугун ўзидан ўзи ичкиликбозлиқ, гиёҳвандлик қурбони бўлмайди. Агар ҳар бир уй каттасининг, маҳалла фуқаролар йигини раҳбарларнинг қўлида бўлиши шарт бўлган уй дафтари сизда ҳам бўлса эди. ундаги ўзгаришни олдироқ сезган бўлардингиз. Айнича кўп қаватли уйларга кимлар келиб кетяпти, пайдо бўлиб қолган шубҳали шахс қайси хонадонга кирди? Кўп қаватли уйлардаги кўплаб бўши турган хонадоиларга катта ижара ҳақи ҳисобига дуч келган кимсаларни жойлантираётган фуқаролар нафақат ўзига, балки бутун маҳаллага, қўни-қўшиларни

ҳаётига хавф солаётганини аттаги шаралари учун сизнинг тушунтириш ишларини кўпроқ олиб боришингизга тўгри келади. Сиз ўз вазифангизда ишлаш жараёнида маҳалла аҳлини тўйлаб, уларни қийнаётган муаммо ва камчиликлар ҳақида дилдан суҳбатлашишга имкон тондингизми? Маҳаллада ижтимоий-маънавий муҳитни согломлаштириш мақсадида ичкилиқбозлик ва гиёхвандликка ружу қўйгапларни, вояга етмаганларни турли ҳуқуқбузарликлар содир этишга ундовчи шахсларни, ёшлар онгини заҳарлаб, уларни турли динни экстремистик гоялар таъсирига олиш мақсадида бундай ташвиқот ишлари олиб борувчи шахсларни, ўсмирларга қонуига хилоф равишда диний таълим берувчиларни, конститутцион қонуний тузумга қарши турли бўхтоналарни тарқатувчи шахсларни аниқлаш йўлида сизга фақат маҳаллада яшовчи фаол фуқароларгида яхни ҳамкор бўла олади.

### ҚАДРДОН ҚАЛАМКАШЛАР!

Сиз баралла Ватан ҳақида, Мустақиллигимизнинг қадр қиммати ҳақида жўшиб ёниб-куйиб қасидалар битасиз, шеърлар тўқиёсиз. «Темур тиги етмаган жойни, қалам билан олди Алишер». Дарҳақиқат сизнинг қуролингиз ўта кучли қуролдир. Ана шу қуролни Мустақиллигимизни кўра олмайтган таламисларга қарши ўқталиш даври келди. Олдиндан режалаштирилган тадбирларда, жўшқин давраларда баҳрубайт айтиш билан чегараланмай, ўз хошингиз билан ўзингиз истиқомат қиласидиган ён атрофдаги маҳаллаларни ниёда айланинг, ана ўшанда ён қўшингиз оиласида потинчлик ҳукмронлигини, кечагина шўх-шодон юрган ўсмир қўшинингизни бутун кўзларида ўзгача ёлқин жилваланганини ҳис этасиз. Маҳалла фуқаролар йигинида қилинаётган ишлар ҳақида суринтириинг, таниппинг. Бунга эса сиз ҳақлисиз. Чунки тўртинчи ҳокимият вакилисиз. Сиз яшаётган маҳалла, жиноятчилик содир бўларкан, қайсиdir бир фуқаро қонунини билмай, жиноятга қўл урад экан, маҳаллангиз олдидаги бурчингизни адо этмасиз.

### АЗИЗ ЁШЛАР!

Сизларга пасиҳат қилиш фикридан буткул йироқмиз. Йортбошимиз «Мен ёшларимизни, фарзандларимни ҳеч кимга бермайман» дей баралла айтганда «Биз ҳам сизни, Ўзбекистонимизни ҳеч кимга бермаймиз» дей шивирлаганингизга ишонамиз. Қайсиdir дўстингиз ҳақ йўлдан адашган, қабиҳиятли кимсалар қўғирчогига айланган экан, уидан кўра кўп-

роқ биз жатталар айбормиз. Ҳаётнинг энг гўзал лаҳзаси — бу ёшликдир. Сиз ана шу ёшлик шижоатини, жасоратини билим олишга, жамиятда етакчи ўрипларни эгаллашга сарфланг. Сизга тоғ-тоғ бойликлар ваъда қилаётган қонхўрлар келиб кетгувчидир. Ахир айтадилар-ку «Ит ҳурар — карвон ўтар» деб. Бизни карвонимиз сарбони эса худо назар қилган инсондир. Ахир «ЎЗБЕҚ» номини жаҳонга танитган даҳо ажоддодларимиз — Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин ал-Мартиноний каби алломаларимизни мана шу юртбошимиз сайъи ҳаракатлари туфайли танидик. Юртимиз типч, юртбошимиз омон бўлсин. Бир бора йўлдан адашган фарзандлар яна адашмаслик учун итилсинглар. Дўстларингиз орасидан бирортаси шундай адашса, сиз дарҳол уни ёнингизга олингда, бу йўл фақаттина жарликка олиб боришини тушунириинг. Унинг эътиқодига путур етганини сезсангиз бор куч ва билимингизни ишга солинг, уни бу йўлдан қайтаринг. Ана ўшанда Мустақил Ўзбекистоннинг ҳақиқий фарзанди ҳисобланасиз.

АЗИЗ ҲАМЮРТЛАР! Дейдиларки, буюк фотиҳ Искандар Зулқарнайп ҳар қашча ҳаракат қиласини, Спитамен бош бўлган ватанпарварларни тобе этолмайди. Шунда доно вазирлари маслаҳати билан Искандар гўё ўзини Спитаменинг хотинига ошиқи беқарор қилиб кўрсатиб, муҳаббат изҳор этилган мактуб йўллайди. Фотиҳнинг сўзларига учган енгилтак хотин Спитамен ухлаб ётганида унинг бошини танасидан жудо қилиб, Искандарга тухфа этади. Во дариг, жаҳонгир шоҳ уни ўлдиришга буюради. Бундан хайрон бўлганларга эса шоҳ шундай дейди: «Ўз эрига, ўз ерига, ўз элига хиёнат қилган хотин менга садоқат кўрсатармиди?»

Бундай воқеалар тарихда кўплаб юз берган. Таассуфки, хоинлик кўчасига кирганлар ҳозирги кунда ҳам топилади. Динни ниқоб қилиб олган, фикри-зикри ҳокимиятни эгаллаш бўлган ватанғурушларга қарши курашайлик, зеро ҳамон оқ билан қорани ажратолмай юрган адашганларнинг эсхуини йигиштириб олишига кўмаклашайлик.

Ҳа, биз Спитамен, Широқ, Амир Темур авлодларимиз. Биз учун энг муқаддас туйғу, бу эрк ва ҳурлиқда яшападир. Ҳурлиқни аерашиб учун эса лоқайдлик уйқусидан уйғонайлик. Ахир «Бир лоқайд дўстдан ўнта ҳушёр душман яхшидир» деган нақл бежиз айтилмаган. Лоқайдлик қурбони бўлмаслик учун ҲУШЁР БЎЛАЙЛҔҲ ОГОҲ БЎЛАЙЛИК..

Ўзбекистон Халқ Демократик партияси Марғилон шаҳар «Зуҳро» маҳалласи ҳудудий бошлангич партия ташкилоти қошидаги «Ўтиораклар» клубининг Зуҳро кўчаси 31-йдаги вакили Тоҷибоева Мўътабархоннинг 31-уй юзасидан тутган

У Й Д А Ф Т А Р И

1-шакл

---

Марғилон шаҳар «Зуҳро» маҳалласи Зуҳро кўчаси 31-йда яшовчи аҳоли ҳақида 2000 йил 1 октябргача бўлган

М А Т Л У М О Т

1. Умумий аҳоли сони
2. Оиласалар сони жами:  
шундай  
— ибратли оиласалар сони  
— кўп болали оиласалар сони  
— нотинч оиласалар сони  
— ижтимоий муҳофазага муҳтоҷ оиласалар сони
3. Нафақадагилар: жами  
шундай  
— қариялик нафақасидагилар  
— ногиролик нафақасидагилар  
— болаликдан ногироилар (18 ёшгача)
4. Ишсизлар сони жами  
шундай  
— 14—35 ёшгача бўлганлар
5. Ўйдаги хонадонда ҳисобда турувчи, лекин баъзи сабабларга кўра ҳозирги кунда яшамаётганлар сони (хонадон)
6. Хужжатсиз яшовчилар сони (хонадон)
7. Бўш турган хонадонлар сони
8. Жазо муддатини ўтаб қайтганлар сони
9. Жазо муддатини ҳозирги пайтда ўтаётганлар сони
10. Гиёҳвандликка берилганлар ва гиёҳванд моддалар сотишда тахмин қилинганлар сони

11. Турилі экстремистік оқімларга мойил бўлган ғуқаролар сони
  12. Бошқа турдаги жиноий ишга қўл уруши мумкин бўлганлар сони
  13. Бугунги кунда бошқа жойларда юрганлар сони жами:
    - шундай
    - сабабли
    - сабабсиз
  14. Балогат ёшига етмаган ёшлар билан ишлап инспекцияси ҳисобида турувчи ёшлар сони
  15. Енгил ҳаётга мойил бўлган аёллар сони
  16. 2 ёшгача болалар сони
  17. 2—16 ёшгача болалар сони
    - 16 ёшгача нафақа оладиганлар
  18. Ўқувчилар сони
  19. 14—35 ёшгача бўлган ёшлар
- шундай
- йигитлар
  - қизлар
  - ўқийдиганлар
  - ишлайдиганлар
20. Зиёлилар сони

Намуна  
2-шакл

Маргилон шаҳар «Зуҳро» маҳалласи Зуҳро кўчаси 31-йда  
яшовчи аҳоли ҳақида 2000 йил 1 октябрига бўлган

**МАЪЛУМОТНОМА**

ХСНАДОН СОНИ	исми, шарифи (тўлиқ)	ТУГИЛДАН ЙИЛИ	МИЛЛАТИ	ПАРТИЯ- ВИЙЛИГИ	МАЛЬЛУМОТИ	МУТАХАС- СИСЛИГИ	ЎҚИШ ёКИ ИШ ЖОЙИ	ВАЗИФАСИ	СУДЛАН- ГАВИЛИГИ (МОДДАСИ)	СОВУҚ КУРОЛИ БОР-ЙЎҚЛИГИ	ТРАНСПОРТИ	Дав. №, Мар- каси, ранги	Кўзерда рўй- хатда туради	ИШЛАМАСА, САБАБИ

Эслатма: Ушбу маълумотномани йилнинг ҳар чорагида  
текшириб ўзгартиришларни ёзиб борини шарт.

Намуна  
З-шакл

Маргилон шаҳар «Зўҳро» маҳалласи Зўҳро кўчаси 31-уйга фуқаролар ҳолидан хабар олиш учун ташриф буюрган масъул ходимлар (вилоят, шаҳардан келган вакиллар, маҳалла қўмитаси раиси, котиби, фаоллари, маҳалла хотин-қизлар кеигаши раиси, участка нозири, маҳалла посбони, турар-жойлар бошқармаси раҳбарлари, маҳаллада ташкил этилган Нуронийлар, Ногиронлар, Камолот, Афғончилар жамгармалари жамоатчилик марказлари раҳбарлари)нинг ташрифи, уларга билдирилган таклиф, мuloҳазалар ва ҳал этилиши керак бўлган муаммоларни ҳал этилишини назоратга олиб бориш

### Ж У Р Н А Л И

Маргилон шаҳар «Зўҳро» маҳалласи Зўҳро кўчаси 31-уйга  
ташриф буюриб, фуқарони муаммосидан хабардор бўлган масъул шахелар ҳақида

### МАЪЛУМОТНОМА

ташриф буюрувчи						
ташриф буюрилган кун	исми, шарифи	иш жойи ва вазифаси	кирган хона-дон ва хона-дон соҳиби-нинг исми, шарифи	билирилган фикр га муаммолар	имзоси	муаммоларни ҳал этиш учун қандай чора кўрди ва натижа

Намуна  
4-шакл

Маргилон шаҳар «Зухро» маҳалласида истиқомат қилиувчи зиёлиларни маҳалла фуқаролар йигини идораси биносида таасидикланган графикка асосан маҳалладошларини қабул қилиш

## ЖУРНАЛИ

Намуна  
Шакл 5

Марғилон шаҳар Зухро маҳалласи томонидан (Олий Мажлис, вилоят ва шаҳар Кенгашларига) сайланган халқ поибларининг маҳаллага ташрифини рўйхатга олиб бориш

Ж У Р Н А Л И

18

Муддат

Маҳаллага ташриф буюрган  
ноибнинг исми, шарифи

Ноибнинг қабулига  
кирган фуқаро

Фуқаронинг яшаш  
манзилгоҳи

Ноибга билдирилган фикр,  
мулоҳазалар, муаммолар

Билдирилган фикр, мулоҳазалар,  
муаммоларни ҳал қилиш  
юзасидан ноибнинг таклифи

Натижа

«Үтюраклар» клуби огоҳ этади,  
огоҳ этади, огоҳ этади...

Муҳаррир — Ислом Ҳамро.

Тех. муҳаррир — Хаттатова В. К.

Мусаҳҳих — Гафарова Э. У.

---

Теришга берилди 15.11.2000 йил. Босишга рухсат этилди  
5.12.2000 йил. Қоғоз бичими — 60x84 1/16. Ҳажми 1,5 б. т.  
Буюртма № 5794.

---

Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси  
Адабиёт жамгармаси нашриёти  
Тошкент шаҳар

Фарғона политехника институти қошидаги босмаҳонада  
терилди ва чоп этилди. Фарғона шаҳар, Қиргули тумани.  
Фарғона кўчаси, бўй.